

## ҲИСОБ СИЁСАТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Хожиева Гулнора Хабибуллаевна**

Тошкент молия институти магистри

E-mail: [step\\_up8888@mail.ru](mailto:step_up8888@mail.ru)

**Аннотация.** Ҳисоб сиёсатининг икки босқичли тушунча сифатида талқин қилиш, фикримизча, давлатнинг кучли таъсири орқали бошқариладиган иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирмайди. Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган умумдавлат ҳисоб сиёсати асосида ҳар бир тармоқ бўйича ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиши зарур. Республикамизда ҳар бир вазирлик ва мамлакат миқёсидаги бошқа идоралар умумдавлат ҳисоб сиёсати асосида ўз тармоғининг (Йирик солиқ тўловчилар, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва ҳ.к.) ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда тармоқ бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

**Калит сўзлар:** Бухгалтерия ҳисоби, Молиявий ҳисоб, ҳисобот, ҳисоб сиёсати, меъерий хужжатлар йиғиндиси.


Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳисоб сиёсати қуйидаги 2та босқичда шакллантирилмоқда:

1. Умумдавлат миқёсида;
2. Хўжалик юритувчи субъект миқёсида.

Умумдавлат ҳисоб сиёсати хўжалик субъекти томонидан бажарилиши лозим бўлган меъерий хужжатлар йиғиндисини ишлаб чиқиш ва ўрнатишни кўзда тутди. Бу қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар орқали давлатга тегишли қонун ва бошқа меъерий хужжатларда кўзда тутилган ягона бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг методологик асосларида, ҳисоботнинг ошкор этиш қоидалари ва бухгалтерия ахборотининг

ҳаққонийлигини тасдиқловчи фаолиятни амалга оширишни билдиради. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги (Марказий банки) бухгалтерия ҳисобида хўжалик жараёнлари, актив ва мажбуриятларни баҳолаш асослари, ҳисоб апаратининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқаларни ёритишга (меъёрий ҳужжатлар орқали) ягона ёндошишни тартибга солади.

Ҳисоб сиёсатининг икки босқичли тушунча сифатида талқин қилиш, фикримизча, давлатнинг кучли таъсири орқали бошқариладиган иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирмайди. Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган умумдавлат ҳисоб сиёсати асосида ҳар бир тармоқ бўйича ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиши зарур. Республикамизда ҳар бир вазирлик ва мамлакат миқёсидаги бошқа идоралар умумдавлат ҳисоб сиёсати асосида ўз тармоғининг (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва ҳ.к.) ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда тармоқ бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши лозим (1-чизма).



### **1-чизма. Ҳисоб сиёсатини юритиш даражалари<sup>47</sup>**

Тармоқларнинг ҳисоб сиёсати шунинг учун зарурки, умумдавлат ҳисоб юритиш сиёсатида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятини акс эттириш мумкин эмас. Шу боисдан тармоқларнинг ҳисоб сиёсатида инвестиция компаниялари фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва уларнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати давлатнинг бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб шаклланар экан, бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий тартибга солинишини кўриб чиқамиз. Ўзбекистонда ҳам худди ривожланган давлатларда бўлгани сингари бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг тўрт даражали тизимини ажратиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига доир қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳуқуқий ва методологик асосларини, унинг ташкил қилинишини, бухгалтерлик фаолияти ва молиявий ҳисобот тузишнинг асосий йўналишларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тақдим қилишнинг асосини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобига доир методик кўрсатмалар ва тавсиялар у ёки бу объект ёки улар йиғиндиси ҳисоби тартибига доир қоидалар ва тасияномалар жамланмасидан иборат. Улар, шу жумладан тегишли объект ҳисобини юритиш техникасининг алоҳида элементларини мумкин қадар тўлароқ аниқлашга қаратилган. Бундай йўриқнома ва кўрсатмалар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига қўшимча равишда ва уларнинг таркибий қисмини деталлаштириш мақсадида тузилади. Улар Молия вазирлиги ва турли ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

<sup>47</sup> Муаллиф илмий ишланмаси, 2023.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: «Ўзбекистон», 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Тошкент: «Адолат», 2020 йил.
3. Бухгалтерияга оид қонун ҳужжатлари. Тошкент: «Норма» 2021 йил.

<http://www.mf.uz>

<http://www.budget.ru>

